

«Hilol» журнаlining навбатдаги учинчи сони сотувда



16:00 / 21.06.2019 1464

Аллоҳ таолонинг одамзотга берган беҳисоб неъматларини эътироф этиш, уларга шукрона келтириш киши диёнатининг белгиларидан биридир.

Берилган неъматларга шукр қилиш фақат Аллоҳ таолони таниш, У яхши кўрадиган нарсаларни билиш билан камолига етади. Парвардигорини яхши танимаган банда Унинг неъматлари қадрига ҳам етмайди. Зеро, шукрнинг маъноси Аллоҳ неъматларини Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган жойларга ишлатишдир. Бунинг акси куфроналик, яъни неъматларни тарк этиш ёки Аллоҳ ёмон кўрадиган ерларда фойдаланиш бўлади.

Ҳурматли журналхон, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ бошлаган илмий-маърифий ишларнинг узвий давоми саналган «Hilol-nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси муассислигида «Hilol» диний-маърифий, ижтимоий-адабий журнаlining шаввол ойига бағишланган навбатдаги учинчи сони чоп этилди. Журналнинг бу сони шукр ва унинг фазлига бағишланади.

Шаввол ойига бағишланган журналнинг учинчи сонидида «Тафсир», «Ҳикмат», «Ҳадис шарҳи», «Нукта» «Яхшиликка чорлаш», «Фиқҳ», «Ҳилол меҳмони», «Саҳобалар ҳаёти», «Адабиёт», «Синоат», «Одоб», «Муслималар саҳифаси», «Сиздан мактуб» каби ўндан ортиқ рукнлар ва мусулмонлар

ҳаётига оид кўплаб қизиқарли мақолалар эълон қилинган.

Жумладан, «Тарбия» рукни остида «Чиройли ҳулққа илк қадам», «Синоат» рукнида «Ашаддий ёлғончини танийсизми?», «Муслималар саҳифаси» рукни остида эса «Қиз фарзанд улуғ насибадир» сарлавҳали ҳаётимиз учун ибратли ва қизиқарли мақолалар ўрин олган.

Islom.uz портали таҳририяти